(1-Т о и ф а )

**ШАРТНОМА № 1/2-1/1**

**Лойиҳалар бўйича хизмат кўрсатиш ҳақида (Ижрочи)**

Тошкент ш. **2025 йил "1" май**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази** (*кейинги ўринларда – "Буюртмачи"*) номидан директор ўринбосари Р.Ражапов, 30.04.2025 йил кунги 03 - сон ишончнома асосида иш юритувчи бир томондан,

фукаро " Машарипова Гулзарам Камиловна ", кейинги ўринларда – **"Бажарувчи"**, иккинчи томондан,

**Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дирекцияси,** кейинги ўринда – **"Молиялаштирувчи"**, номидан Низом асосида иш юритувчи директор Шаабдурахманов Рустам Мавзурович, учунчи томондан, биргаликда "Томонлар", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.10.2024 йил кунги 686-F-сон Фармойиши асосида ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Бажарувчи, Буюртмачи томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатади): «Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино ўртасидаги ёзишмалар» медиалойиҳаси.

Кўрсатиладиган хизматлар ва уларни учун тўлов, Лойиҳа бўйича 1/1-сон шартнома доирасида ажратилган маблағлар миқдорида тўлананади.

1.2. Бажарувчи ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда кўрсатилган хизматларни тақдим этади. "Буюртмачи" бажарилган хизматларни кабул килиб олади ҳамда "Молиялаштирувчи" хизматлар ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.3. Шартнома муддати:

**2025 йил "1" май дан 2025 йил "31" август гача.**

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.1.1. Ушбу шартнома бўйича Буюртмачига ўз вақтида, белгиланган миқдорда ва сифатли хизматларни кўрсатиш, бажарилган ишларни Буюртмачи томонидан тузилган "Ишчи гурухи"га топшириш.

2.1.2. Буюртмачининг кўрсатмасига асосан, бажарилган ишларни камчилигини бартараф этиши, ишларни тўлдириши, ўзгартириши киритиши ва ишларни қайта 7 кун ичида топшириши шарт.

2.1.3. Хизматларни шахсан ўзи ёки учинчи шахсларни жалб қилган холда амалга ошириши мумкин. Лекин, шартнома бўйича умумий жавобгарлик Бажарувчини шахсан ўзини зиммасида қолади.

2.1.4. Ишларни бажариб бўлиб, уларни Буюртмачига топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топшириш.

2.1.5. Учинчи шахслардан холи бўлган муаллифлик ҳуқуқи ишларини Буюртмачига топшириш.

2.1.6. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ва сифатли равишда бажариш,

Scanned with CamScanner

шунингдек:

- агарда шартнома бўйича техника ва асбоб-ускуналар бириктирилса, улардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш;

- Буюртмачига ҳар қандай моддий зарар, зиён етказмаслик чораларини кўриш;

- Буюртмачига етказилган барча моддий ва маънавий зарарни қоплаб бериш;

- сўралган ҳисоботларни ўз вақтида, таҳлилий маълумотлар асосида тайёрлаш, ўз вақтида тақдим этиш, тайёрланган маълумотлар ва ҳисоботларда қайд этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун шахсан жавоб беради.

**2.2. Бажарувчининг ҳуқуқлари:**

2.2.1. Шартномада белгиланган хизматларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун зарур бўлган маъулумотларни талаб қилиш.

2.2.2. Шартнома бўйича сифатли бажарилган ҳамда икки томонлама имзоланган далолатнома асосида қабул қилиб олинган, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар хаккини талаб қилиши.

**2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари**:

2.3.1. Шартнома юзасидан Бажрувчини барча маълумотлар ва ҳужжатлар билан таъминлаш.

2.3.2. Бажарувчининг мурожаатларини ўз вақтида, ҳар томонлама, оқилона кўриб чиқиш.

2.3.3. Шартнома бўйича сифатли бажарилган ҳамда "Ишчи гуруҳ" томонидан қабул қилиб олинган бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш хақида Молиялаштирувчига талабнома бериш.

2.3.4. Исталган вақтда Бажарувчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда кўрсатилаётган хизматларнинг бориши ва сифатини текшириш.

**2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

2.4.1. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи томондан бажарилаётган, бажарилган хизматларни сифат даражасини текшириш ҳамда камчиликлари ҳақида огоҳлантириб бориш.

2.4.2. Ушбу шартномага асосан ишлар сифатли даражада бажарилмаганда, моддий зарар етказилганда Бажарувчига нисбатан молиявий жарималар белгилаш.

2.4.3. Ушбу шартнома бўйича якуний натижага (маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ва бошқа) эгалик ҳуқуқи тўлиқ равишда Буюртмачига тегишлидир.

**2.5. "Молиялаштирувчи"нинг мажбуриятлари:**

2.5.1 Молиялаштирувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган талабнома ва мазкур шартномага асосан лойиҳани молиялаштириш.

2.5.2. Лойиҳага тегишли харажатлар сметаларида белгиланган маблағларни Буюртмачининг талабномасига кўра, Бажарувчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри ўтказиш;

2.5.3. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг қарори ёки "Ишчи гуруҳ" хулосаси, кўрсатма-талабномасига асосан лойиҳани молиялаштириш, молиялаштиришни тўхтатиб туриш ва (ёки) тўхтатиш.

**2.6. "Молиялаштирувчи" ҳуқуқлари:**

2.6.1. Мазкур шартнома шартларини Бажарувчи томонидан тегишли даражада бажарилмаганлиги бўйича Буюртмачи томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар (*кўрсатма-талабнома*) тақдим этилганда лойиҳани молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш;

2.6.2. Бажарувчи тарафидан даврий молиявий ҳисоботлар белгиланган муддатларда топширилмаган тақдирда Буюртмачини огоҳлантирган ҳолда лойиҳани молиялаштиришни тўхтатиб туриш.

## 3. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан жавобгар бўлади.

3.2. Бажарувчи томонидан ушбу шартнома доирасида кўрсатилган хизматлар (тайёрлаган маҳсулотлар) тақдим этган маълумотларининг мазмуни, холислиги,

Scanned with CamScanner

маҳсулотлар ва улар ҳақидаги маълумотларга оид саволлар ва учинчи шахслар томонидан барча юзага келиши мумкин бўлган шикоятларга шахсан жавобгар ҳисобланади.

3.3. Бажарувчи ушбу шартнома шартларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганида, Буюртмачи шартномани муддатдан аввал ўз ташаббуси билан бир томонлама шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

3.4. Бажарувчи шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш муддатини бузган тақдирда, Молиялаштирувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеня шартнома баҳосининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

3.5. Бажарилган ишлар ҳақи тўловини муддати кечиктирилганда Буюртмачи томонидан Бажарувчига, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,2 миқдорида, лекин тўланмаган миқдорнинг 20 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

3.6. Шартнома муддати тугагандан кейин Буюртмачи иш фаолиятига ва унинг манфаатларига тегишли бўлган барча ҳужжатлар, жумладан, хат, чизмалар, белгилар, китоблар ва бошқалар, шу билан бирга, модель намуналари, асбоб-ускуналар ва материаларни Бажарувчи қўшимча талабларсиз Буюртмачи корхонасига қайтариши шарт.

## 4 . ШАРТНОМА НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

**4.1. Ушбу шартнома баҳоси жами: ______________________ (2000000) сўмни, НДФЛсиз ташкил қилади.**

4.2. Кўрсатилган хизматлар учун «Бажарувчи»га,__________________ (2272727) сўм миқдорида, “Буюртмачи” билан ўзаро тузилиб имзоланган “Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш ҳақида”ги далолатномасига асосан «Молиялаштирувчи» томонидан тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи томонидан бажарилган Хизматларга ҳақ тўланиши пул маблағларини Бажарувчининг ушбу шартномада кўрсатилган банк ҳисоб варағига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 5. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Агар томонлардан бири шартнома шартларини бажармаса, айбдор томон етказилган зарарни қоплаган ҳолда шартномани муддатидан олдин бекор қилиш мумкин.

5.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида ушбу шартнома ўзаро келишув асосида бекор қилиниши мумкин.

## 6. МАХФИЙЛИК

6.1. Томонлар ушбу шартномани бажарилиши юзасидан ўзларига маълум бўлган тижорат сираларини учунчи шахсларга ошкор қилмасликлари шарт.

6.2. Шартнома бўйича Бажарувчи ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида аён бўлган махфий маълумотларни, тижорат сирини сир сақлаши шарт. (бундай маълумотларга Буюртмачининг ҳамкорлари, молиявий аҳволи, ишчилар таркиби, қўриқлаш тизими ҳақидаги, шунингдек бегона шахслар томонидан фойдаланилиши Буюртмачига ҳамда унинг ишчилари, ҳамкорлари ва мижозларининг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар киради).

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

7.1. Ушбу шартнома бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги талабларига риоя этишга ва ушбу шартномага мувофиқ ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари билан боғлиқ равишда коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари нормаларини бузишига қарши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўришга мажбурдирлар. Шу жумладан, тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний ёки юридик шахсларга давлат хизматчилари, хусусий компаниялар ва уларнинг вакилларига пул ёки бошқа ҳар қандай шаклда пора бериш тақиқланади.

Scanned with CamScanner

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган низолар томонларнинг ўзаро келишуви билан хал этилади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низолар судда, Ўзбекистон Хакамлик Судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали хузуридаги Хакамлик судида қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

## 9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган ҳамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқийдир. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

9.2. Мазкур шартномада қисман ёки тўла равишда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилиги ва ички меъёрий хужжатларга биноан ҳал қилинади.

9.3. Ушбу шартнома уч нусхада тузилди ва бир хил кучга эга. Ҳар бир Тарафга ушбу шартноманинг бир нусхаси берилади.

## 10. ТОМОНЛАР МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ

**“Буюртмачи”**

**Ислом цивилизацияси маркази**

Манзили: Тошкент шаҳри, Қорасарой-47.
Банк: ХККМ Марказий банк Тошкент ш.
Бош бошкармаси.
р/с: 23402000300100001010.
МФО: 00014. СТИР:305 013 690.

_________________ **Р. Ражапов**

**“Бажарувчи”**

Мамаринова Г. К.

Манзили: Тошкент ш. Янги - ҳаёт тум. Спутник -9-44-9
Пластик карта: 5614 6812 0952 5587
Банк: Ипотека банк Юнусобод филиали

Г. Маг ______________
(имзо)

Реквизитлар:
х.р. 2312000080000083700[illegible]
STIR: 202235389
МФО: 00837

**“МОЛИЯЛАШТИРУВЧИ”**

**Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дирекцияси**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI ALOHIDA MUHIM IJTIMOIY, MADANIY VA TARIXIY AHAMIYATGA EGA BO'LGAN OB'YEKTLARNI QURISH, REKONSTRUKSIYA QILISH VA MUKAMMAL TA'MIRLASH DIREKSIYASI
100090, Toshkent sh., Mirobod tumani, Nukus 1 tor ko'chasi, 4-uy.
Tel: (+99871) 299-12-57, Faks: (+99871) 299-12-54
P/c 2269 0000 7007 8710 9001
ОПЕРУ при ГУ НБ ВЭД РУз
МФО:00451 ИНН:304974185 ОКЭД: 71120

______________ **Р.М. Шаабдурахманов**

Юрисконсульт______________ ________________

Scanned with CamScanner